

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУЛКАР ТУРДИЕВА КОМИЛОВНА

ЎЗБЕК ВА ФОРС ТИЛЛАРИДА НУТҚ ОДОБИ
(лингвопрагматик тадқиқ)

Монография

ТОШКЕНТ
«ИЖОД НАШР»
2021

УЎК: 373.2:59:18

КБК: 75.1

Ҳ: 17

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгашининг 2021 йил 20 апрелдаги йиғилишининг 6-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Турдиева, Хулкар. Ўзбек ва форс тилларида нутқ одоби (лингвопрагматик чоғиштирма тадқиқ). – Т.: «ИЖОД НАШР» 2021. – 146 б.

Масъул муҳаррир:
Ҳамидулла ДАДАБОЕВ

Тақризчилар:
Аҳмадкул ҚУРОНБЕКОВ

*Тошкент давлат шарқишунослик университети, филология фанлари доктори,
профессор;*

Иброҳим ХУДОЁР

*Техрон Тарбият Мўдаррес Университети, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори*

Ушбу монография ўзбек ва форс тилларидаги нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқига бағишланган. Унда муаллиф XX аср ўрталаридан тадқиқот масаласига айланган нутқий этикет мавзусини инглиз, рус, япон, индонез, форс ва ўзбек тилшуносларининг илмий-назарий манбалари орқали оригинал тилида ўрганган ва ўзи олиб борган экспериментал тадқиқотлар асосида ашёвий далиллар билан асослаган. Нутқнинг муҳим актлари таркибига кирувчи саломлашув, хайрлашув, мурожаат, мулозамат ва меҳмоннавозлик бирликлари лингвопрагматик тадқиқ этилиб, ўзбек ва форс тиллари вакиллари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий муносабатларда муомала одобини ўрганиш ва қатъий риоя қилишда амалий йўл-йўриқ кўрсатади.

ISBN 978-9943-6560-2-4

© «ИЖОД НАШР» 2021

СЎЗ БОШИ

Йигирманчи асрнинг бошларида тилшуносликда янги парадигма-структур-систем тилшунослик парадигмаси вужудга келди. Бу таълимот тилшуносликда ўзига хос бир инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу таълимотнинг муҳим кашфиётларидан бири тил ва нутқ дихатомиясини алоҳида тизимларга ажратиб ўрганиш назариясининг илгари сурилиши бўлди.

Фердинанд де Соссюр томонидан таклиф қилинган бу назарияга кўра тил системаси алоҳида ва нутқ системаси алоҳида тадқиқот объектига айланди. Нутқ системасининг фонетик-фонологик, морфологик, синтактик, семантик, стилистик ва когнитив тилшунослик сатҳдаги нутқ билан тил системаси ўртасидаги муносабатлар ва нутқ билан ижтимоий соҳалар орасидаги муносабатлар таҳлилга тортила бошлади.

Оғзаки нутқнинг расмий доиралардаги услуби, публицистик матнлардаги услуби, аҳолининг турли табақаларининг мулоқотидаги услуби, жаҳондаги турли халқларнинг ўзаро муносабатларидаги услуби ва ҳ.к.лар тадқиқот объектига айланди.

Турдиева Хулкарнинг монографияси айнан ўзбек ва эрон халқларининг кундалик турмушдаги нутқ одобиغا бағишланган.

Тадқиқотчи ўзбек ва эрон халқларининг саломлашув, хайрлашув, ўзаро мурожаат, меҳмондорчилик ва совға бериш одоблари ва шу жараёнда қўлланиладиган стереотип ва креатив жумлалар ва фраземалар ва уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, том маънодаги ва таг маъноли томонлари ўрганиб чиқилган.

Тадқиқот иши назарий жиҳатдан Европа ва Шарқ тилшуносларининг илмий-назарий манбаларини ўрганиш ва ўзи олиб борган экспериментал тадқиқотлар асосида ашъвий далиллар билан асосланган. Тадқиқотчи қўлга киритган илмий хулосалар икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий муносабатларда муомала одобини ўрганиш ва қатъий риоя қилишда амалий йўл-йўриқ кўрсатади.

Тадқиқотнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, тил ўрганувчилар, одатда, тил бирликларининг қайси вариантыни қандай ўринда қўллаши фақат тил эгалари билан мулоқотда ойдинлашади.

Турдиева Хулкарнинг бу монографияси қайси ҳолатда қандай нутқ бирликлари, стереотип қолиплар ва идиоматик ибораларни қўллаш жараёнини ўрганишда талабаларга муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Монография равон илмий тилда ёзилган, унда келтирилган нутқ одоби ҳозирги форс ва ўзбек тилининг ҳаётий ситуацияларига асосланган ва назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**ТДШУ, Эрон-афгон филологияси кафедраси профессори,
филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Қуронбеков**

Ушбу монография устозим филология фанлари доктори, профессор Сарвиноз Сотиболдиева Рузиевнанинг ёрқин хотирасига бағишланади.

МУҚАДДИМА

*“Тил мунча шараф била нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдирки,
гар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.”*

Алишер Навоий

Мулоқотга киришиш, суҳбатлашиш инсон ҳаётининг муҳим қисми бўлиб, айнан суҳбатнинг қандай усулда олиб борилиши муваффақиятсизликнинг ҳам, бекиёс муваффақиятнинг ҳам асосий сабабчиси бўлиши мумкин. Мулоқот инсонлар ҳаётида энг долзарб аҳамият касб этувчи фаолиятдир. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда “Сўз атомдан кучли”.

Бугунги кунда қизғин глобаллашув жараёнлари кетаётган ҳамда маданиятлараро мулоқот ҳодисаси кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланаётган бир даврда икки халқ ўзбек ва эрон халқларининг нутқий маданиятининг қиёсий ўрганилиши муносиб ҳисса бўлади.

Машҳур файласуф И.Гердер “Инсон фаолиятидаги тўрт асосий ҳодиса: тил, маданият, жамият ва миллий руҳ бир-бири билан боғланган. Тил ўзининг келиб чиқишига кўра маданият билан боғлиқ бўлиб, у жамият билан бирга такомиллашади. Тилнинг маданият билан органик боғлиқлиги уни миллий руҳнинг таркибий қисмига айлантиради” дея эътироф этган эди. Даврлар ўтса ҳам олим айтган бу эътироф ўз кучини йўқотмаган. Ўзбек халқининг тилидаги нутқий этикет бирликлари ва эронликлар таориф деб атайдиган нутқий маданият иккала халқ маданиятининг ажралмас бир қисмига айланиб кетган.

Турли халқ вакилларининг ўзаро ижтимоий, сиёсий дипломатик, гуманитар, иқтисодий, маданий алмашинув, туризм каби бугунги кунда кўп давлатларнинг янада ривожига тўртки бўлаётган алоқаларда ҳар бир халққа хос нутқий этикет тамойилларини ўрганиш, нутқий этикетдаги ўзига хосликлар,

ўхшашлик ва фарқларни тадқиқ этиш турли миллат вакилларининг нутқ одоби қоидалари ҳақида хабар бериш билан бирга, ўша халқнинг маданияти, турмуш тарзи, кундалик фаолиятидаги тилга ва ахлоққа хос бўлган этикет тамойиллари, қарашлари, анъаналари ҳамда кадриятлари ҳақидаги билимларни ҳам тақдим қила олади. Чоғиштириш асносида ҳар ўрганилаётган мамлакат объекти батафсил эътибор ва изланиш талаб этади. Натижада тадқиқ иши қимматли маълумотлар манбасини яратиши мумкин бўлади.

XX аср бошларидан жаҳон тилшунослигида мулоқотда маданий ва когнитив тушунмовчиликларнинг олдини олиш, ҳар бир миллатнинг тил ва маданияти тамойиллари муайян стандартлардаги қолипга эмас, балки ўзига хос, индивидуал қонун-қоидаларга бўйсунганини илмий ва амалий жиҳатдан мушоҳада қилиш мақсадида ўтган аср бошларидан Узоқ Шарқ ва Ғарб тилшунослигида Politeness (нутқий этикет) ва Face (хурмат ифодаси) концепциялари фанга кириб келди. Тилнинг маданий ҳолатини акс эттирувчи нутқий этикет бирликларини икки ва ундан ортиқ тиллар мисолида қиёсий ёки чоғиштирма ўрганиш лингвопрагматиканинг муҳим йўналишларидан саналиб, бу нафақат ижтимоий мулоқот, балки сиёсий-дипломатик муносабатларда ҳам зарурий ва долзарб масалаларга ойдинлик киритади.

Кундалик мулоқотнинг узилмас қисмларидан бўлган саломлашув, хайрлашув, мулозамат, мурожаат, меҳмоннавозлик нутқий вазиятларида ўзбек ва эрон халқининг нутқ одоби тамойиллари яққол намоён бўлади. Бу ҳолат лингвопрагматик тадқиқотга эҳтиёж сезади. Зеро, лингвопрагматика доирасида ўрганилувчи бирликлар ижтимоий алоқадорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масофани англаш ва инсонларнинг ўзаро мулоқотидаги маданият, менталитет билан боғлиқ нутқий этикет мезонларининг барқарорлигини сақлаш мақсадида нутқда ифода этилади. Чунончи, чет тилини ўрганиш унинг грамматикаси, лексикаси ва талаффузини ўрганиш билан тугалланмайди. Танланган сўзни тўғри вақтда муносиб кишига айта билиш мулоқотнинг муҳим шартларидандир.

НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Жахон тилшунослигида нутқий этикет бирликлари (“Politeness”)нинг илмий назарий асослари ва тамойиллари

Тил ва унинг ҳосиласи бўлган нутқ кишилиқ жамиятининг муҳим алоқа воситаларидан бири ҳисобланади. Нутқда инсоннинг маданияти, одоби, билими, хулқ-атвори акс этади. Бу инъикос тилшунослиқда “Нутқий этикет” (“Politeness”) тушунчаси орқали ифодаланади. Инглиз тилида “Politeness” термини ўрта аср лотин тилидаги “силлиқлаштирмақ, сайқал бермоқ” (to smooth, to polish) маъносини англатувчи “politus” сўзидан олинган бўлиб, XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Англия илмий доирасида кенг тарқалди.

Нутқий этикет индивидуал маданият, қадриятларга кўра англашилувчи тушунчадир. Инсонда нутқий этикет атроф муҳит, оила ва жамиятдаги вазият ҳамда бошқа омиллар таъсирида болалиқдан шакллана боради. Турли миллатларда нутқий этикет шу миллатнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши табиий. Нутқий этикетнинг турли қирралари нафақат тилшунослар, балки социологлар ва маданиятшунослар томонидан ўрганилган, ранг-баранг концепциялар илгари сурилган. Айниқса, сўнгги йилларда бу масалага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки нутқ этикети давлатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан бирига айланмоқда.

Нутқий этикет ҳодиса сифатида қадимдан мавжуд бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши нисбатан кечроқ - XX асрнинг ўрталарида бошланди. Шарқ, хусусан, япон, хитой тилшунослигида ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан, ғарб тилшунослигида эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бу масалага эътибор қаратилган.

“Нутқий этикет” яъни “Politeness” илмий термин сифатида ғарб тилшунослигида XX асрнинг 60-йиллардан қўлланишга кирди ва алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Бу соҳадаги илк тадқиқотлар калифорниялик Робин

Лакофф¹, америкалик П.Браун, британиялик С.Левинсон² ва Г. Лич³ларга тегишлидир. Аммо, Ирвинг Гоффман илк бор “фейс (face) - юзни йўқотиш”, “юзни сақлаб қолиш” ва “уятли/ҳижолатли юзли бўлиш” каби истилоҳларни фанга киритди. Олим “face”-“юз” (хурмат)га қуйидагича таъриф беради: “Face” (юз) биз ўзимизни бошқаларга қандай кўрсатишимиз инъикосидир”⁴. И.Гоффман мурожаат сўз ва ибораларини тўғри қўллаш; шахсларга уларнинг жамиятдаги мавқеи ва яқинлик даражасига қараб муомала қилиш, расмий ёки норасмий нутқни тўғри ва жойида қўллаш; муайян вазиятларга боғлиқ тил анъаналарини тўғри тушуниш (таклифни қабул қилиш ёки рад этиш, суҳбатни бошлаш ва тугатиш ва ҳ. к.) кабиларни нутқий этикет қоидалари деб таъкидлайди ва фикрларини мисоллар билан далиллайди.⁵ Унингча, “маъқулланган хусусиятлар ва уларнинг феис (face)га нисбатан муносабатлари ҳар бир кишининг ўз маҳбусидир. Шундай бўлса-да, инсонлар ўз индивидуал хоҳишларини қанчалик афзал кўрмасинлар, фундаментал ижтимоий чегараланишларга бўйсунушига мажбурдирлар”⁶.

Нутқий этикет назарийгчиларидан бири Р.Лакофф нутқий этикетни “жамиятда ривожланган яхши хулқ-атвор кўриниши”⁷ шаклида таърифлайди ҳамда “инсонлар ўзаро мулоқотидаги зиддиятларни камайтириш мақсадида ўрганилиши зарур мавзу”⁸ деб билади. У “What you can do with words: politeness, pragmatics and performatives” (“Сўз нималарга қодир: нутқий этикет, прагматика ва унинг ижрочилари”) асарида нутқий этикетнинг қуйидаги уч тамойилини таклиф этади: 1) Босим ўтказманг ва масофа сақланг; 2) Суҳбатдошга танлов имкониятини беринг ва хурмат кўрсатинг; 3)

¹Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.

²Brown P., & Levinson S. Universals in Language usage: Politeness phenomena. – London, 1978. – 345 p.

³Leech G. Principles of Pragmatics. – London: Longman Publ., 1983. – 250 p.

⁴Goffman E. International ritual: Essays in face-to-face behavior. – New York: Pantheon Books, 1967. – P. 9-10.

⁵Goffman E. On face-work: an analysis of ritual elements in socialinteraction in Laver and Hutcheson. – New York: Pantheon Books, 1967. –319 p.

⁶Ўша манба.

⁷Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.

⁸Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	4
Нутқий этикет бирликларининг илмий-назарий аспекти	5
Нутқий этикет актларининг лингвопрагматик тадқиқи	49
Меҳмоннавозлик ва совға алмашишда нутқ одоби	92
Хотима	133
Фойдаланилган адабиётлар	135